O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Ислом КАРИМОВ:

ДУНЁДАГИ КЎПЛАБ МАМЛАКАТЛАРНИНГ КУЧЛИ СПОРТЧИЛАРИ ОРАСИДА БИРИНЧИ БЎЛИШ, ЎЗБЕКИСТОН ШАЪНИ ВА ШОН-ШУҲРАТИНИ УЛУҒЛАШ — ИНСОНДАН ЧИНАКАМ ЖАСОРАТ ВА ИРОДАНИ, ФИДОЙИЛИКНИ ТАЛАБ ЭТАДИ.

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2007-yil • 17-aprel • Seshanba • 46 (27.691) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

Бокс бўйича ўта оғир вазнда жаҳон чемпиони Руслан Чагаевга

Қадрли Руслан ўғлим!

Сени эришган улкан ғалабанг билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Бутун Ўзбекистон аҳли бугун сенинг спорт оламида кўрсатган беқиёс жасоратингни байрам қилмоқда. Биз ўзбек бокс мактабида тарбия топиб камолга етган сендек ўғлонимизнинг тарихий ғалабани қўлга киритиб, ўта оғир вазнда жаҳон чемпионлигига эришгани билан ҳақли равишда фахрланамиз.

Сенинг ҳалол ва муросасиз курашлар остида ўтган ғоят кескин беллашувда сайёрамизнинг энг кучли боксчиси деган номга сазовор бўлиб, юксак маҳорат, мустаҳкам ирода ва азму шижоатингни яна бир бор намоён этганинг ва шу тариқа ўзбек спорти ва жаҳон бокси солномасида янги, зарҳал саҳифа очишга эришганинг барчамизни қувонтиради.

Фурсатдан фойдаланиб, мана шундай мард ва баҳодир йигитни — Ўзбекистоннинг ҳақиқий ифтихорини вояга етказган оила аъзоларинг ва яқинларингга, устоз ва мураббийларингга самимий миннатдорлик билдираман.

Сени яна бир бор қутлаб, янги-янги зафар ва омадлар тилаб қоламиз.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти







Ўзбекистон Президентининг Мисрга ташрифи тўғрисида

2007 йил 17-19 апрель кунлари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Миср Араб Республикаси Президенти Муҳаммад Ҳусний Муборак таклифига биноан расмий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлади.

Учрашув чоғида томонлар Ўзбекистон — Миср ҳамкорлигини кенгайтиришга оид масалалар, ўзаро қизиқиш бўлган халқаро аҳамиятга молик долзарб муаммоларни муҳокама этадилар.

Музокаралар якунлари бўйича турли соҳаларда икки давлат ҳамкорлигини чуқурлаштиришга йўналтирилган қатор икки томонлама ҳужжатларнинг имзоланиши режалаштирилмоқда.

ЭҲРОМЛАР МАМЛАКАТИ ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ТАШРИФИНИ ҚУТЛАЙДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Миср Араб Республикасига буюражак расмий ташрифига мазкур мамлакат оммавий ахборот воситалари ҳозирданоқ алоҳида эътибор қаратмоқда. Ташриф арафасида Миср матбуотида ушбу муҳим воқеа олдидан Ўзбекистон — Миср муносабатлари истиқболларига бағишланган туркум мақолаларнинг чоп этилгани бу фикрни тасдиқлайди.

Аввало шуни алоҳида қайд этиш жоизки, ОАВ бозори нуқтаи назаридан Миср араб дунёсида етакчи ўринни эгаллайди. Ушбу мамлакатда чоп этиладиган нашрлар жуда нуфузли ва оммабоп бўлгани боис кенг ўқувчилар доирасига эгадир.

«Ал-Масаийя» («Оқшом») кундалик газетаси «Ўзбекистон араб давлатлари, жумладан, Миср билан алоқаларни мустаҳкамлашда» сарлавҳали мақолани чоп этди. Унда Ўзбекистон Республикаси араб давлатлари билан алоқаларни фаоллаштириш ва чуқурлаштиришга катта эътибор қаратаётгани, Президент Ислом Каримовнинг Мисрга буюражак расмий ташрифи бунга ёрқин мисол бўлиши таъкидланади.

Газетада ёзилишича, ислом маданиятида муҳим ўрин эгаллайдиган Ўзбекистон нафақат ўз қўшнилари ёки араб-мусулмон мамлакатлари билан, балки жаҳоннинг барча давлатлари билан муносабатларни тобора ривожлантириб бормоқда. Мақолада қайд этилишича, Ўзбекистон ҳамда Миср ўртасида икки давлат манфаатларига тўла жавоб берадиган сиёсий, иқтисодий ва маданий жабҳалардаги ҳамкорлик жадал ривожланмоқда.

(Давоми 3-бетда)

❖ **Спорт**

БЕШ ҚИТЪАНИ БИРЛАШТИРГАН КУРАШ

13-14 апрель кунлари Термиз шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун Ал Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишланган кураш бўйича анъанавий VIII халқаро турнир ва хотин-қизлар ўртасида илк жаҳон чемпионати зўр уюшқоқлик билан ўтказилди.

Ушбу нуфузли турнирда Польша, Туркия, Греция, Исроил, Франция, Украина, Жанубий Африка Республикаси, Бразилия, Эрон, Ҳиндистон, Жанубий Корея, Янги Зеландия, Марокаш, Макао каби жами ўттизга яқин давлатлар полвонлари гиламга чиқдилар.

Анъанага кўра, мусобақа кекса отахон полвонларнинг кўргазмали чиқиши билан бошланди. Беллашувларнинг дастлабки куни «Алпомиш» ўйингоҳига тўшалган ҳар икки гиламда полвонлар баҳси қизиди. Бир гиламда VIII халқаро турнир доирасида 81 кг. вазн тоифасида эркак полвонлар курашган бўлса, иккинчисида хотин-қиз курашчилар ўртасида жаҳон чемпионати ўтказилди.

52 кг. вазн тоифасидаги қизлар баҳсида Туркиянинг Трабзон шаҳридан ташриф буюрган Айнур Самат эпчил ва маҳоратли эканлигини намойиш этди. У финалгача бўлган баҳсларда саккиз нафар рақибини енгишга муваффақ бўлди. Финалда унга Қашқадарё вилоятининг Косон шаҳридан келган Динора Донаева рўпара келди. Динора рақибини енгиш учун кўп куч сарфлади. Аммо маҳоратли турк қизи Айнур Самат рақибидан устун эканлигини намойиш этиб, олтин медаль эгасига айланди.

63 кг. вазн тоифасидаги қизлар ўртасида 48 нафар қатнашчи ғолиблик учун беллашди. Бу вазндаги курашчилар орасида маҳоратлилари анча эди. Жумладан, жанубий африкалик Малика Уд, туркиялик Кобра Тикин, ҳамюртларимиз Румия Шайхутдинова, Соҳибжамол Холиқулова, Шаҳло Турсунова, Ўрозхол Шербоева, Юлдуз Норжуродова, Машҳура Мавлонова, Шоҳиста Худойбердиева, Зулҳижжа Худоёрова, Соҳиба Саидбурхонова каби қизлар кураш усулларини жуда яхши ўзлаштиришгани, улар бел олишишда йигитлардан кам эмасликларини кўрсатишди. Измирлик полвон қиз Гулшоҳ Кочатурк финалгача тўрт нафар рақибини енгди. Финалда унга украиналик яна бир маҳоратли полвон Татьяна Ковал рақиб бўлди. Гулшоҳ Кочатурк Татьянани ҳам йиқитиш имконини топди.

Хотин-қизлар кураши якунлангач, барчанинг эътибори VIII халқаро турнирга қаратилди. Дастлабки куни полвонлар баҳси кечаси соат 10 гача давом этди. Чунки вазни 81, 90 ва 100 килограмм бўлган курашчилар сони 100 нафардан кўпроқ эди. 81 кг. вазн тоифасидаги баҳсда 36 нафар полвон орасидан сурхондарёлик Шокир Мўминов билан самарқандлик Ғулом Маҳмудовгина финалгача етиб келишди. Финалда Шокир ғалаба қилди.

4-бет

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом КАРИМОВга

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич,

Бугун, ҳаётимдаги энг қувончли кунда, ўта оғир вазн тоифасида жаҳон чемпиони унвони учун таниқли боксёр Николай Валуев билан беллашувда ғолиб чиққаним туфайли чексиз хурсандчилигимни Сизга изҳор этмоқчиман.

Бир неча соат олдин Штутгартдаги спорт мажмуида Ўзбекистон давлат мадҳияси тантанали равишда янгради.

Биз, спортчилар, мамлакатимизда спортни ривожлантиришга Сиз нечоғли катта эътибор ва ёрдам бераётганингизни яхши биламиз. Сизнинг оталарча ғамхўрлигингиз туфайли Ўзбекистон вакиллари кўп карра Осиё, жаҳон, Олимпия ўйинлари чемпионлари бўлди. Бокс бўйича Ўзбекистон терма жамоаси билан учрашув чоғида билдирган эзгу тилак ва доно маслаҳатларингиз ҳамон ёдимда. Ана шу ғамхўрлик натижасида Ўзбекистон вакили профессионал спортда илк бор жаҳон чемпиони унвонини қўлга киритди. Мамлакатимиз ҳақли равишда жаҳоннинг бокс ривожланган давлатлари қаторига қўшилди.

Мен ўз ғалабамни Ўзбекистон мустақиллигига бағишлайман. Қаерда бўлишим, қайси мамлакатда жанг ўтказишимдан қатъи назар, мен учун Ўзбекистон спорти шаънини ҳимоя қилишдан кўра муқаддасроқ нарса йўқ. Ҳар бир ғалабамдан сўнг қадрдон юртдошларим, устозларим, маҳалламиз оқсоқоллари билан учрашиш учун жонажон Андижон сари ошиқаман.

Ҳурматли Ислом ота, Сизнинг ишончингизни оқлаш учун, Ўзбекистон байроғи турли мамлакатларнинг стадионларида тез-тез юқори кўтарилиши учун бор куч ва иродамни сафарбар этаман, деб ишонтиришга ижозат бергайсиз. Келгусида ўзимнинг тажриба ва маҳоратимни ёш боксчилар тайёрлаш ишига бағишлаш ниятидаман. Зеро, спорт ёш авлодга жонажон мамлакатимиз Мустақиллигини муносиб ҳимоя қилишга ёрдам беради.

Фарзандлик ҳурмат-эҳтироми билан,

Руслан ЧАГАЕВ
2007 йил 15 апрель

ИФТИХОР

Руслан ЧАГАЕВга

Кун кеча Рустамга шеър битган эдим,
Бугун бағишладим Русланга ашъор.
Она Ўзбекистон, о, юртим, қадим,
Яна юрагимга солдинг ифтихор.

Бировга беписанд боқмоқлик нечун,
Ҳар ким содиқ бўлсин лафзи, сўзига.
Кимлардир ер чизиб турибди бу кун,
Руслан зарбасидан келмай ўзига!

Абдулла ОРИПОВ
2007 йил 15 апрель

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

БАРЧАГА ҚУВОНЧ ВА ҒУРУР БАХШ ЭТГАН ҒАЛАБА

Профессионал боксниг энг нуфузли — Жаҳон бокс уюшмаси (WBA) йўналиши бўйича ўта оғир вазн тоифадаги баҳсда ҳамюртимиз Руслан Чагаевнинг россиялик Николай Валуев устидан эришган ғалабаси бутун мамлакатимиз халқига чексиз фахру ифтихор, ҳаяжон ва хурсандлик бағишлади.

Р.Чагаев Германиянинг Штутгарт шаҳрида эришган ушбу улкан ғалабага бағишланган тадбирлар — турли учрашувлар, спорт мусобақалари, концертлар 15 апрель куни эрта тонгданоқ бошланди. Уларда иштирок этганларнинг кўзида қувонч, дилида фахр-ифтихор туйғулари, қўлларида давлатимиз байроғи. Бу ҳаяжон ва ғурур шиорларда ҳам ўз аксини топган: «Ўзбекистон фарзанди — жаҳон боксининг қироли!», «Руслан! Сен бизнинг фахримизсан!»

Ўзбек йигити Рустам Қосимжонов шахмат бўйича жаҳон чемпиони тожини кийганида халқимиз ана шундай ҳаяжонли дамларни бошидан кечирган эди. Энди Руслан Чагаев дунёдаги энг зўр боксчи эканини олам аҳлига исботлади. Ўзбек ёшлари, Ўзбекистон фарзандлари юксак салоҳиятининг довруғи яна етти иқлимга ёйилди.

4-бет

Алишер АБДУЛЛАЕВ, бокс бўйича мураббий:

— Русланнинг ғалабаси нафақат Андижон бокс мактабининг, балки бутун ўзбек спортининг ғалабаси. Бугун, айниқса, спортнинг шу тури билан шуғулланаётган ёшлар, мураббийларнинг кайфияти кўтаринки. Уларнинг барчасининг орзу-умиди Руслан Чагаевдек буюк спортчи бўлишдир.

Мен Руслан билан бирга бокс сирларини ўрганганман. Ҳаммамиз дўст эдик. Ҳозир ҳам қадрдонмиз.

Русланнинг ғалабаси билан унинг мураббийлари Александр Размахов, Марс Қўчқоровларни ҳам табриклайман. Юртдошимиз эришган ғалаба барча спортчиларимизга ҳамроҳ бўлсин.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ФАХРИ

Руслан Чагаевнинг бокс бўйича жаҳон чемпиони бўлганлиги ҳар бир юртдошимизнинг қалбини фахр-ифтихорга тўлдирди.

Руслан Чагаевнинг ғалабаси муносабати билан Андижон шаҳридаги Алишер Навоий номидаги истироҳат боғида, «Наврўз» ўйингоҳида байрам тадбирлари бўлиб ўтди. Ҳар бир кишининг кўнглида ҳаяжон, юрак сўзларини билдиришга иштиёқи кучли.

— Бугун жуда хурсандман, — деди бокс мураббийи Александр Размахов. — Шогирдимиз Руслан Чагаевнинг ғалабаси ҳар биримизни қувонтирди. Унинг 1990-2000 йилларда мен билан бирга машғулотлар ўтказганини эсладим. Меҳнатларимиз самарасидан тўлқинландим.

— Беллашув бошланишидан бир неча соат аввал Руслан менга қўнғироқ қилди, — деди боксчининг опаси Луиза Язикова. — Мен кўпсонли мухлисларнинг қизғин саломларини, қўллаб-қувватлаётганликларини укамга етказдим.

Назаримда, бокс беллашуви бўладиган оқшом ҳеч ким ухламади. Бедорлик билан Русланнинг курашини кузатди. Омад тилашди. Сидқидилдан, самимий қўллаб-қувватлаши укамга мадад бўлди, деб ўйлайман.

Бокс беллашуви тугагандан сўнг қўниқўшнилар бизникига табриклагани чиқишди. Телефон қўнғироқлари тонггача тинмади. Русланнинг ғалабаси бутун ўзбекистонликларнинг ғалабасидир.

Ҳа, бугун андижонликлар Руслан Чагаев ғалабаси билан ҳақли равишда фахрланадилар.

Аҳмадилло СОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Ғалина СТУДИНИКИНА, Андижон шаҳридаги 50-умумтаълим мактаби бошланғич синф ўқитувчиси:

— Русланга биринчи синфдан бошлаб билим берганман. У ўқувчилик давридаёқ тиришқоқ, спортга меҳр қўйган эди. Билим олиш учун интиларди. Синфдошларига меҳрибон эди. Дарслардан кейин мактабимизнинг бокс залида шуғулланишни канда қилмасди.

Руслан Чагаевнинг онаси билан кўп ҳамсуҳбат бўлганман. У фарзандини жуда-жуда ардоқларди. Билим ва тарбия олишига, спорт билан шуғулланишига шароит яратишга интиларди. Ҳаёт бўлганларида ўғлининг ютуғидан қанчалар қувонган бўларди.

Русланнинг ғайрат-шижоати, Ватанига бўлган меҳр-муҳаббатини беллашув пайтида юрагимдан ҳис қилдим. Ғалабасидан ғурурландим.

Мактабимиз директори ўринбосари Замирахон Аҳмедова Руслан Чагаевнинг жаҳон чемпиони бўлганлиги ҳақида ўқувчиларга мароқ билан сўзлаб берди. Устози сифатида мени табриклади. Кўп йиллар давомида Руслан сингари ёшларга таълим ва сабоқ берганимдан фахрландим.

Русланга сиҳат-саломатлик тилаймиз. Омад унга ҳар доим ёр бўлсин!

❖ ЎзХДП ҳаёти

ЭЛЕКТОРАТ БИЛАН АЛОҚАЛАР

қанчалик кучайтирилса, партиявий фаолият кўлами янада ошади

Ҳар нарсанинг ўз ҳисоби бор — ҳаётнинг ҳам, фаолиятнинг ҳам. Барча ташкилот, идоралар ҳар йили ўз фаолиятини таҳлил қилиб, келгуси режаларини белгилаб олади. Ўзбекистон ХДП туман кенгашлари пленумларида ҳам шу масалалар муҳокама қилинаяпти. Яқинда бўлиб ўтган Ҳамза, Учтепа туман кенгашлари пленумларида кенгашлар раислари Авазбек Тошматов ва Маҳмуд Ёқубовлар маъруза қилдилар.

Бугунги кунда Ҳамза туманида 2473 нафар ЎзХДП аъзоси бор. Улар 95 та бошланғич партия ташкилоти атрофида бириккан. Ўтган йили амалга оширилган аъзоларни қайта рўйхатдан ўтказиш ва янги гувоҳномаларни топшириш тадбирлари ХДП аъзоларининг фаоллигини, БПТ ишининг самарадорлигини оширишга, жамиятда партиямизнинг обрў-эътиборини кўтариш ва мустаҳкамлашга хизмат қилди. Барча аъзоларнинг ЎзХДП ғоявий устуворликларини, мақсад ва манфаатларини чуқур англаб етишига олиб келди. Бу бўлиб ўтган пленумда ҳам алоҳида қайд этиб ўтилди.

— Ижтимоий ҳимоя тизимини янада такомиллаштириш учун ҳар биримиз ўз соҳамиз, йўналишимиздан келиб чиқиб, ҳисса қўшишимиз даркор, — деди 18-оилавий поликлиника бош шифокори Малика Шермуҳаммедова. — Масалан, бизнинг поликлиникамиз 35000 аҳолига хизмат қилади. Биз ҳудудимиздаги ногиронларнинг уйларига бориб тиббий хизмат кўрсатиш, соғлиқларини назорат қилишни йўлга қўйдик. 180 та кам таъминланган оила бор. Уларнинг ҳолидан ҳам тез-тез хабар олиб турибмиз. Натижада саломатликка хавф солиши мумкин бўлган касалликларнинг олдини олдик. Бу ҳам ижтимоий ҳимоянинг бир кўриниши.

— Ёшларни илм олишга, меҳнат қилишга, ҳар бир ишга астойдил киришишга ўргатиш бизнинг бурчимиз, — деди Тошкент Тиббиёт академиясидаги БПТ раиси Наима Насриддинова. — Барча салбий оқибатлар бекорчиликдан келиб чиқади. Фойдали меҳнат билан шуғулланаётган одамнинг турли ножўя ишлар билан машғул бўлишга вақти бўлмайди. Бунда «Истиқбол» ёшлар қаноти, ҳар бир партия фаолининг алоҳида ўрни бўлиши лозим, деб ўйлайман.

Ўзбекистон ХДП Учтепа туман кенгаши пленумида ҳам иштирокчилар томонидан долзарб фикрлар билдирилди.

— Ҳар битта қонун қабул қилинаётганда биз унга аввало партиямиз электорати манфаатларидан келиб чиқиб ёндашамиз, — деди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси Анвар Шукуров. — Кичик бир модда устида соатлаб тортишган вақтларимиз кўп бўлган. Тегишли талабларга жавоб бермайдиган лойиҳаларни қайта ишлаш учун қайтарган вақтларимиз ҳам бўлди. Сиз билан биз алоқани қанча кучайтирсак, жуда манфаатли бўлади. Чунки, сиз бевосита аҳоли орасидасиз. Унинг муаммолари, ғам-ташвишини яхши биласиз. Уларнинг кўпчилигини қонунчиликни такомиллаштириш орқали ечиш талаб этилади. Қонунлар эса аввало Олий Мажлис Қонунчилик палатасида қабул қилинади. Демак, ҳамкорлик сизга депутатлар орқали қонунчиликка таъсир этиш имконини беради.

Пленумларда яна кўплаб партия фаоллари сўзга чиқиб, ўз мулоҳазаларини билдирдилар. Партия тузилмалари, хусусан, депутатлик корпуслари, «Фаол аёллар», «Истиқбол» ёшлар қанотлари, БПТ фаоллиги, ташаббускорлигини ошириш юзасидан таклифлар айтилди.

Беҳзод ШУКУРОВ

❖ Бошланғич ташкилот — партиянинг асоси

ЕТАКЧИ ТАШКИЛОТЧИ ВА ҚАТЪИЯТЛИ БЎЛСА

БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТНИНГ МАВҚЕИ МУСТАҲКАМ БЎЛАДИ. ЎША ЖОЙДА ПАРТИЯНИНГ ОБРЎСИ ОШАДИ, ЭЛЕКТОРАТ ИШОНЧИ ОРТАДИ

Эҳтимол, бу гапларга шубҳа билдирарсиз? У ҳолда Гулистон шаҳридаги Муқимий маҳалласига келинг ва ҳудудий бошланғич партия ташкилоти раиси Жуманисо Қурбонованинг фаолияти билан яқиндан танишиб кўринг.

Шаҳар ҳудудидан ўтган «Тошкент — Янгиер» магистрал автомобиль йўлининг шундоқ ўнг томонида жойлашган ушбу маҳаллада 3000 нафардан кўпроқ аҳоли истиқомат қилади. Бу ердаги ҳудудий бошланғич партия ташкилоти теварагида 46 нафар ХДП аъзоси бирлашган. Айтиш мумкинки, улар ишда ҳам, маҳалла-кўйда ҳам, жамоатчилик фаолиятида ҳам кўпчиликка намуна. Айниқса, ҳудудда партиянинг халқчил ғоялари, дастурий мақсадлари, асосий вазифаларини аҳолига тушунтириш, электорат манфаатларини ифодалаш, ҳимоялаш борасида астойдил ҳаракат қилишаяпти.

— Одатда, бошланғич партия ташкилотлари муайян бир ҳудудда — маҳалла, қишлоқ, корхона ёки ташкилотда тузилади ва шу ҳудудни қамраб олади, — дейди партия фаоли Жуманисо Қурбонова. — Шундай экан, уларнинг ўша жойдаги муаммолардан яхшигина хабардор бўлиши ҳам табиий ҳол ҳисобланади. Бу эса масалаларнинг жойида тегишли тартибда ҳал этилишига эришиш имконини беради ва пировардида сиёсий партиянинг одамлар ўз электорати ишончини қозонишига олиб келади. Шу сабабли бошланғич партия ташкилотлари кўпроқ аҳоли ичига кириб бориб, мавжуд муаммоларнинг сабабларини ўрганишдан, масалалар ечимини излашдан, электоратнинг ҳуқуқий манфаатларини қатъият билан ҳимоя қилишдан ҳеч ким тўхтамаслиги зарур, деган фикрдаман.

Опанинг ўзи кундалик фаолияти давомида бу фикрига амал қилади. Раҳбарга, етакчига эса кўп нарса боғлиқ экан. Агарки, у етарлича фаол, ташаббускор, билимдон ва қатъиятли бўлса, ўша жойда қилинган ишлар, саъй-ҳаракатларнинг натижаси ҳам шундоқкина кўзга ташланавераркан. Масалан, маҳалла ҳудудини олайлик. ЎзХДП мамлакат сиёсий кучларининг сўл қаноти, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари манфаатини ифодаловчи сиёсий партия сифатида майдонга чиққач, ўз-ўзидан маҳаллада унга бўлган қизиқиш ҳам ортди. Кўпчилик «Кўрайлик-чи, бу партия ўзини қандай намойиш этаркан, унинг бошланғич ташкилотлари партия олдига қўйган мақсадларга эришиш учун нима ишлар қилар экан?» дея кузата бошлашди. Бундай вазиятда кўпчиликнинг қизиқиши, кузатувчанлигига бошланғич партия ташкилоти, унинг етакчиси жонли ташаббуслар, амалий ишлар билан жавоб бераяптики, бу ҳол ҳудуддаги аҳоли, хусусан, партия электоратини ташкил қилувчи фуқароларнинг ҳуқуқлари, манфаатларини ҳимоялаш жараёнида яққол намоён бўлаётир. Шу ўринда унинг маҳалладаги 19 нафар кам таъминланган фуқаро, 10 нафар ногирон, 12 та ёрдамга муҳтож ёш оила, 2 нафар ёлғиз қарияни ўз ҳимоясига олганлигини эътироф этиш лозим. Бундан ташқари, Жуманисо Қурбонованинг ўзи 4 нафар ота-онасиз болани васийликка олди ҳамда 2 нафар ҳеч кими йўқ қарияниг ҳол-аҳволидан доимий хабардор бўлишни лозим топдики, аслида, бу ҳам шахсий ибрат кўрсатишнинг кичик бир намунасидир.

— Шаҳарнинг 4-мавзесида яшайман, — дейди ёлғиз қария Саломхон Исмоилова. — Жуманисо Қурбонованинг ўзи раҳбарнисога минг раҳмат! Ҳар куни ўзи ёки фарзандларидан бири уйимга келиб, иссиқ-совуғимдан хабардор бўлиб туришибди. Ёлғизликдан қийналиб қолмаяпман.

Маҳалла ҳудудидаги иккита умумтаълим мактабида эса Жуманисо опани ўқитувчилар ҳам, ўқувчилар ҳам яхши билишади. Сабаби, яна шу опанинг ташаббуси ва саъй-ҳаракати билан ҳар иккала мактабда аълочи ўқувчилар учун «ЎзХДП стипендияси» ташкил этилган. Чорак якуни бўйича аълочи ва жамоатчи ўқувчиларнинг ҳар бирига шундай стипендиялар топширилмоқда. Бундай тадбир учун зарур бўлган маблағни эса опа ўзи раҳбарлик қилаётган «Тоҳир-Зуҳра» кичик корхонасининг даромадлари ҳисобидан қоплаяпти.

— Бу ўринда гап стипендияда ҳам, унинг кўп ёки озлигида ҳам эмас, — дейди Жуманисо опа. — Ҳар гал мактаблардаги аълочи ва жамоатчи ўқувчиларга «ЎзХДП стипендияси»ни топширар эканмиз, аввало бир нарсани ўйлайман: жилла қурса, шу кичкина тадбир баҳона ўқитувчилар ва ўқувчиларда ХДП дастурий мақсадлари, вазифалари ҳақида озгина бўлса-да, тушунча пайдо бўлади-ку, бизнинг ишларимизга, мақсадларимизга хайрихоҳлар сафи кенгаяди-ку.

Яна бир гап. Бугун Жуманисо Қурбонова раҳбарлик қилаётган «Тоҳир-Зуҳра» кичик корхонаси ишлаётган 8 нафар ишчи-хизматчининг ҳаммаси ЎзХДП аъзоларидир. Яқинда эса яна 3 киши — маҳалладаги мактабгача тарбия муассасаси мудираси Саида Собирова билан тадбиркорлар Гулнора Нишонова ҳамда Гулнозахон Каримовалар бошланғич партия ташкилоти етакчиси номига ЎзХДП сафига қабул қилишларини сўраб ариза беришди. Бу маҳаллада ХДПга бўлган ишонч ортиб, партияга аъзо бўлишни истовчилар сони ўсиб бораётганидан дарак бермайдими?

Одамларнинг партияга бўлган қизиқиши, эътиборининг ортиши аввало жойлардаги бошланғич ташкилотларнинг фаолиятига боғлиқ бўлади. Партиянинг асоси бўлган бошланғич ташкилотларнинг мавқеи эса кўпроқ етакчилар, уларнинг партия ғоя ҳамда вазифаларини аҳоли орасида кенг тарғиб қилишлари, бу борада аҳолининг барча қатламларини қамраб оладиган турли тадбирлар, учрашувлар уюштиришлари, таъсирчан воситалардан ўринли фойдаланишлари, жонкуяр, ташкилотчи ҳамда қатъиятли бўлишлари билан ўлчанади. Бундай етакчилар кимдан, нимани, қачон талаб қилишни, кўпчиликни ўйлантираётган муаммолар ва уларни ҳал қилишнинг мақбул йўл-йўриқларини яхши билишадики, бундан сиёсий партиянинг халқ орасида обрўси, мавқеи ошади. Буни Муқимий маҳалласи ҳудудий бошланғич партия ташкилоти ва унинг етакчиси фаолияти ҳам тасдиқлаб турибди.

Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Суратда: бошланғич партия ташкилоти раиси Жуманисо Қурбонова тадбиркор Гулнозахон Каримовани ЎзХДП сафига қабул қилингани билан қутлаяпти.

Шавкат АКРАМОВ олган сурат.

❖ Иқтисодиёт ва ислоҳот

ЯХЛИТ ТЕМИР ЙЎЛ ТИЗИМИ ЯРАТИЛМОҚДА

БУ ЎЗ НАВБАТИДА МАМЛАКАТНИНГ ТЕМИР ЙЎЛ ТАРМОҒИ МУСТАҚИЛЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА МУҲИМ ОМИЛ

Ҳамдўстлик давлатлари иқтисодий ҳамкорлигида Евроосиё мамлакатлари темир йўл идоралари алоқаларини мустаҳкамлашда, жаҳон тижорат тармоғига янада интеграллашув йўлида кўрилаётган самарали чора-тадбирларда Ўзбекистоннинг роли ортиб бормоқда.

«Маълумки, Марказий Осиёда муҳим геостратегик ўрин эгаллаган бизнинг мамлакатимиз ҳудуди орқали қадим замонлардан Буюк ипак йўли ўтган, бу ерда кўпдан-кўп савдо йўллари туташган ва бу жаҳон халқлари маданиятларининг жадал суръатларда бир-бирини ўзаро бойитишига хизмат қилган, — деган эди Юртбошимиз Ҳамдўстликка аъзо давлатлар темир йўл транспорти бўйича Кенгашининг Тошкентда ўтган мажлиси қатнашчиларига йўллаган табригида. — **Бугунги кунда ҳам Шарқдан Гарбга, Жанубдан Шимолга олиб борадиган транспорт магистраллари шу ерда кесишади».**

Бугунги кунда Ҳамдўстлик темир йўллари яхши йўлга қўйилган узлуксиз алоқа тизимидан иборат. Бинобарин, «Ўзбекистон темир йўллари» Давлат акциядорлик темир йўл компанияси таркибидаги «Ўзтемирйўлйўловчи» очиқ акциядорлик жамияти ҳам йўловчилар ташиш борасида бирмунча ютуқларга эришди. Хусусан, юртимизда Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йилдаги қарорига биноан «Навоий — Учқудуқ — Мискин — Султон Увайсоғ — Нукус» темир йўли қурилиб ишга туширилиши катта воқеа бўлди. Бундан беш йил аввал — Ватанимиз мустақиллигининг 11 йиллиги арафасида унинг очилиш маросими бўлиб ўтди. Аҳолининг узоғи яқин бўлиб, юки енгиллашди. Йўловчилар ҳам вақтдан ютди, ҳам маблағидан.

Бу эса ўз навбатида халқаро йўналишдаги янги-янги йўловчи поездларини ҳаракатга тушириш имконини берди. Чунончи, бурноғи йили Нукус ва Қозоғистоннинг Бейнов шаҳри орқали ўтувчи Тошкент — Саратов ва Тошкент — Харьков йўналишларида поездлар қатнови йўлга қўйилди.

Йўловчи ташиш тизимида амалга оширилаётган улкан ўзгаришлар, янги ва замонавий йўловчи поездларининг қатнови йўлга қўйилгани, ҳар томонлама қулай, юк ва йўловчи вагонларининг мамлакатимиз корхоналарида қурила бошлагани Ўзбекистон темир йўлларининг нуфузини ошириб юборди. Тошкентда, вилоят марказлари ва йирик аҳоли масканларида энг замонавий архитектура ечимлари асосида миллий услубда қурилган вокзаллар, улардаги йўловчилар учун яратилган барча турдаги қулайликлар ватандошларимиз кўнглида фахр уйғотмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистоннинг ягона миллий темир йўл тизимини яратиш, уни жаҳон андазаларига етказиш, халқаро транспорт бозорида ўз салоҳиятига яраша ўринга эга бўлиши борасида ўтказилаётган ислоҳотлар эзгу мақсадларга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Шу ўринда Президентимизнинг 2006 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2007 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларда темир йўллар тизимини ривожлантириш катта аҳамиятга эга эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтганлигини қайд этиш зарур. Юртбошимиз жанубий йўналишда — янги Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон темир йўли бўйлаб поездлар қатновининг йўлга қўйилиши ва бу йирик лойиҳага 450 млн. АҚШ долларига яқин маҳаллий ва хорижий инвестиция йўналтирилганини таъкидлаб, унинг миллий манфаатларимиз нуқтаи назаридан аҳамиятини қуйидагича таърифлади:

«Биз учун ушбу темир йўл нафақат муҳим стратегик аҳамиятга эга бўлган транспорт ўзаги, балки мамлакатимизнинг жанубий ҳудудлари — Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларини барқарор иқтисодий ривожлантиришга шарт-шароит яратадиган ва ҳал қилувчи асосий омиллар бўлиб хизмат қилиши билан бирга, аҳоли бандлигини таъминлашда, унинг фаровонлигини оширишда катта ўрин тутиши муқаррар.

Минтақада кўмир ва ёқилғи саноати каби етакчи соҳаларни ривожлантириш, Хонжиза конида полиметалл рудаларни қазиб олиш ва қайта ишлаш, Тюбегатан калий ўғитлар конини ўзлаштириш ишларини амалга ошириш имконини берадиган мезондир.»

Халқаро савдо йўлларидан четда жойлашган Ўзбекистон учун темир йўлларнинг устувор ривожланишини таъминлаш ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон темир йўлларининг яхлит инфратузилмаси нафақат республика нуфузининг ортишига, балки ҳамкорлик орқали хавфсизлик ва фаровонликка эришиш каби улкан мақсадларга ҳамоҳанглиги билан ҳам диққатга сазовор.

Истиқлол йилларида Ўзбекистон темир йўл тармоқларининг сезиларли кенгайиши, уларни улкан салоҳият ва узоқ хизмат кўрсатиш тажрибасига эга умумжаҳон темир йўллар тизими билан туташтириш йўлидаги саъй-ҳаракат, пировардида мамлакат иқтисодий куч-қудратини юксалтириш, халқимиз турмуш фаровонлигини оширишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Хусусан, янги темир йўл линияларининг бунёд этилиши юртимизда амалга оширилаётган иқтисодий-ижтимоий ислоҳотларга салмоқли таъсир кўрсатади. Ишлаб чиқариш тармоқлари ривожланади. Вилоятлар аҳолисига транспорт хизмати кўрсатишни яхшилайди, сифатини оширади. Халқ хўжалиги тармоқлари самарадорлиги ортади. Қўшни давлат темир йўл линияларидан фойдаланганлик учун кетадиган катта миқдордаги валюта маблағи тежаб қолинади. Ва яна бир жиҳати — 630-650 та қўшимча янги иш ўринлари вужудга келади.

Шавкат НУРМАТОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси тингловчиси

❖ ЎзХДП — хотин-қизларнинг мустаҳкам таянчи

ФАОЛЛАР СЕМИНАРИ

Тошкент Архитектура ва қурилиш институтида «Ижтимоий ҳимоя йили»да ЎзХДП Тошкент шаҳар кенгаши «Фаол аёллар» қаноти фаолиятининг устувор йўналиши — маънавий-маърифий, сиёсий ишлар» мавзуида семинар бўлиб ўтди.

Унда ЎзХДП пойтахт туманлари кенгашларининг «Фаол аёллар» қанотлари раислари, фаоллари, маҳаллалардаги партиямизга хайрихоҳ, жонкуяр аёллар, депутатлар иштирок этдилар. Йиғилганлар «Сиёсий ҳаётни эркинлаштириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш ва уларнинг ижтимоий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш» бўйича вазифалар ҳамда фуқаролик жамиятини қуришда аёлларнинг роли хусусида фикрлашдилар.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи раиси, иқтисод фанлари доктори, профессор Гулчеҳра Охунова, шаҳар Кенгашига ЎзХДПдан сайланган Педиатрия илмий-тадқиқот институти директори, тиббиёт фанлари доктори, профессор Дилбар Маҳмудова, Тошкент шаҳар тез тиббий ёрдам клиник касалхонаси бош шифокори, тиббиёт фанлари доктори Элмира Боситхоновалар ҳам мавзу юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Муҳокама жараёнида кун тартибидаги масала хусусида кўплаб фикр ва таклифлар айтилди. Пойтахтимиз хотин-қизларининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини, сиёсий савиясини, ҳуқуқий саводхонлигини янада оширишда «Фаол аёллар» қанотининг ўзига хос роли борлиги, бу каби тадбирлар орқали аёллар оммаси орасига чуқурроқ кириб бориш лозимлиги таъкидланди.

Саида САЙХУН

❖ «01» хизмати

ОФАТНИНГ ОЛДИНИ ОЛИБ...

Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йилда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида ёнғин хавфсизлиги тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорида давлат ёнғин назорати ходимлари олдига бир қатор долзарб вазифалар қўйилган эди. Жумладан, республика ИИВ Ёнғин хавфсизлиги бош бошқармаси ва унинг қуйи тизимларида йирик саноат корхоналарининг бенуқсон ишлашини таъминлаш юзасидан ташкилий чора-тадбирлар белгиланиб, қатор иш режалари тузилганди. Ҳукумат қарорини ҳаётга татбиқ этиш бўйича қандай ишлар қилинди? Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЁХББ бошлиғи ўринбосари, полковник Ниғматилла ШОДМОНХЎЖАЕВ шундай деди:

— Аввало, шуни таъкидлаш лозимки, республикамиздаги барча ишлаб чиқариш корхоналар, ташкилотлар, маданий-маърифий масканларда ёнғинлар олдини олиш, ёнғинга олиб келувчи ҳар қандай носозликларга йўл қўймаслик асосий вазифаларимиздир. Корхоналар биноларининг тузилиши ўзига қурилмаси, улардаги электр ва газ узатиш тармоқларининг бенуқсонлиги ва талабга жавоб бериши, қолаверса, ишлатилаётган дастгоҳлар, асбоб-анжомлар ва бошқа маҳсулот тайёрловчи воситаларнинг техник ҳолатини доимий назорат қилиб бориш алоҳида аҳамиятга эгадир. Ана шуларни назарда тутган ҳолда республика Ёнғин хавфсизлиги бош бошқармаси томонидан кейинги йилларда бир қатор ташкилий масалалар кўриб чиқилди ва амалга оширилди.

Шу ўринда баъзи мисолларни келтириб ўтиш жоиз. 2006 йилда йирик саноат ишлаб чиқариш корхоналарида ёнғин хавфсизлигини таъминлашни кучайтириш мақсадида Муборак магистрал газ тармоқлари ишлаб чиқариш корхонасида, Навоий тоғ-металлургия комбинатига қарашли «Даугизтау», «Зарафшон» ва «Маржонбулоқ» конларида ёнғин хавфсизлиги қисмлари ташкил этилди. Бу қисмлар ҳозирги пайтда корхоналарда ёнғиннинг олдини олиш борасида самарали фаолият кўрсатиб келмоқда.

Саноат ривожланиб боргани сари ундаги илғор технологиялар, автоматика тармоқларининг ёнғинга қарши ҳолатини таъминлаш учун ходим малакали ҳамда етарлича иш тажрибасига эга бўлиши лозим. Шу нуқтаи назардан жойларда шахсий таркибнинг ўқув машғулотлари, ўзаро тажриба алмашишга қаратилган ва билим даражасини оширишга йўналтирилган семинарлар ташкил этилди. Шундай тадбирлардан бири 2006 йилнинг февраль ойида Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактабида ўта муҳим ва тоифаланган объектларнинг раҳбар, муҳандис-техник ходимлари, вазирликлар масъул ходимлари иштирокида ўтказилди. Мазкур семинар-кенгашда мавжуд муаммоларни ҳал этиш ва ёнғин хавфсизлигини таъминлашнинг самарали йўналишлари борасида фикр алмашилди. 2007 йилнинг февраль ойида эса Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ, Тошкент шаҳар ИИББ ва вилоятлар ИИБ ЁХБ Алоҳида муҳим ва тоифаланган объектларда ёнғин хавфсизлигини таъминлаш бўлими, бўлинмалари ва гуруҳлари ходимлари билан Тошкент шаҳри ва вилоятидаги объектларда ҳамда «Ўзнефтмаҳсулот» акциядорлик компанияси тасарруфидаги объектларда семинар-кенгаш ўтказилиб, унда кўргазмали ёнғин ўчириш тактик машқи ташкил этилди.

Очиғини айтиш керак, жойларда юз бериб турган ёнғинлар сабаблари таҳлил этилганда ҳали кишиларда ёнғин хавфсизлигига тўла риоя этмаслик, қоидаларни билмаслик ёки билсалар-да, лоқайд муносабатда бўлиш ҳоллари аниқланган. Бу эса давлат ва жамиятга катта моддий-маънавий зарар келтираётир. Ана шундай салбий ҳолатларни бартараф этиш, ёнғин келиб чиқишига сабаб бўлувчи омилларга йўл қўймаслик мақсадида шу йилнинг биринчи чораги давомида Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика кенгашининг режасига асосан текширишлар ўтказилди. Бу текширишларда аниқланган ёнғинга олиб келувчи камчиликларни бартараф этиш бўйича ташкилотлар раҳбарларига жами 21716 банддан иборат ёзма кўрсатмалар бажариш учун юборилди. Бугун уларнинг 19165 таси бажарилишига эришилди. Айни чоғда ёнғин хавфсизлиги қоидаларини бузган ёки талабларини бажармаган 2525 нафар масъул ва жавобгар шахсга нисбатан ўн тўрт миллион сўмликдан зиёд миқдорда маъмурий жазо чораси кўрилди. Ёнғин чиқиш хавфи юқори бўлган 480 та алоҳида бино ва иншоотнинг иш фаолияти вақтинча тўхтатилиб, ёнғин хавфсизлиги талабларига жавоб бермайдиган 5010 та электр, газ, агрегат ва ускуналардан фойдаланиш тақиқлаб қўйилди.

Корхона ишчи-хизматчилари ўртасида ёнғин хавфсизлиги қоидаларини тарғиб қилиш ҳам жамоатчиликнинг ёнғинлар олдини олишга бўлган эътибори ва масъулиятини оширишга хизмат қилади. Айниқса, ишга янги келган ходимларга амалдаги қоидаларни тушунтириш ва йўриқномадан ўтказиш муҳимдир. Шунга кўра, жойлардаги корхоналарда ишга янги келган 12 минг нафардан ошиқ ишчи-хизматчи билан йўриқнома ўтказилди.

Бош бошқармамиз жойлардаги корхоналарга хизмат қилувчи ёнғин хавфсизлиги қисмларини замонавий ёнғин ўчириш автомашиналари, ёнғиндан ҳимояланиш экранлари, махсус ёнғиндан муҳофазаловчи моддалар, газ ниқоблар, бирламчи ёнғин ўчириш воситалари ва бошқа зарур асбоб-ускуналари билан таъминлаган. Бу эса халқимизнинг моддий бойликларини ёнғин офатларидан асрашда муҳим восита бўлиб хизмат қилади.

Равшан ШОДИЕВ ёзиб олди.

ЭҲРОМЛАР МАМЛАКАТИ ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ТАШРИФИНИ ҚУТЛАЙДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

«Ал-Масаийя» газетасида чоп этилган «Президент Ислом Каримов ташрифи чоғида қатор битимлар имзоланиши мўлжалланмоқда» сарлавҳали бошқа мақолада эса олий даражада бўлиб ўтадиган ташриф доирасида турли соҳаларда давлатлараро шерикликни мустаҳкамлаш масалалари бўйича атрофлича фикр алмашиш, шунингдек, ўзаро манфаатларни ифода этувчи минтақавий ва халқаро муаммоларнинг муҳокама қилиниши қаламга олинган. Газетанинг таъкидлашича, расмий Қоҳира ва Тошкентнинг Яқин Шарқ муаммолари ҳамда Марказий Осиё минтақасидаги вазият бўйича нуқтаи назарлари бир-бирига жуда яқиндир.

Мақолада таъкидланганидек, ташриф доирасида Ўзбекистон раҳбари ва Миср президенти Хусний Муборак билан бўладиган музокаралар якунлари бўйича сиёсий, иқтисодий ва маданий соҳалардаги икки томонлама алоқаларни мустаҳкамлашга қаратилган қатор давлатлараро ва идораларо ҳужжатларнинг имзоланиши кутилмоқда.

Бундан ташқари, **«Ал-Ғад» («Эртанги кун») газетаси**да ҳам «Ўзбекистон Республикасининг тараққиёт йўли» сарлавҳали мақола эълон қилинди. Унда ўқувчилар эътибори Ўзбекистонда демократик тамойиллар асосида муваффақиятли амалга оширилаётган иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ўзгаришларга қаратилади. Мақолада юртимиздаги прогрессив фуқаролик жамиятини қуриш борасида эришилаётган салмоқли натижалар ҳам ўз ифодасини топган. Шунингдек, мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар жараёнида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш масаласига алоҳида эътибор берилаётгани мавзуси атрофлича қаламга олинган.



«Ўзбекистон Республикаси чет мамлакатлар билан савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтириш, иқтисодиётнинг муҳим тармоқларига хорижий сармояларни жалб этиш масаласига катта аҳамият бераётир. Ўзбекистон минтақада тинчлик ва барқарорликни сақлаш тамойилларига содиқ қолгани ҳолда Марказий Осиёни ядро қуролидан холи ҳудудга айлантириш ташаббуси билан чиқди», деб ёзади газета.

Ишбилармон доиралар ўқувчилари учун мўлжалланган, араб тилида нашр этиладиган **«Ал-Алам ал-Яувм» («Бугун жаҳонда») газетаси** ҳам ўз саҳифаларида бўлиб ўтажак олий даражадаги учрашув олдидан мақола босиб чиқарди. Унда икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ҳамда истиқболлари хусусидаги батафсил маълумотлар газетхонлар эътиборига ҳавола этилади.

Мақолада, жумладан, Тошкент ва Қоҳира савдо-иқтисодий ҳамкорликни жадаллаштиришга катта аҳамият бераётгани алоҳида таъкидланган. 2007 йилнинг март ойида Ўзбекистон пойтахтида савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича Ҳукуматлараро комиссиянинг бешинчи йиғилиши ўтказилгани бу фикрнинг ёрқин исботидир, деб ёзади нашр.

Олий даражадаги ташриф арафасида Миср опера театри биносида «Тошкент — ислом маданияти пойтахти» номли фотокўргазма ва ўзбек санъаткорларининг маданий дастурлари мамлакат аҳолиси ва меҳмонлари эътиборига ҳавола этилгани ҳам мазкур мақолада қайд қилинган. Газета ушбу тадбирларнинг савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни кенгайтириш имкониятларини ўрганиш мақсадида Мисрга келган Ўзбекистон ишбилармон доиралари делегацияси ташрифига уланиб кетганини таъкидлайди.

«Ал-Алам ал-Яувм»да Ўзбекистондаги иқтисодий ислоҳотларнинг олиб борилиши мавзуига бағишланган материал ҳам чоп этилган бўлиб, унда Ўзбекистонда хусусийлаштириш жараёнлари муваффақиятли давом этаётгани, шунингдек, хорижий сармоядорларга қулай шарт-шароитлар яратилгани ҳақида сўз боради. «Ўзбекистонда банк-молия тизими тез суръатлар билан ривожланмоқда», деб алоҳида таъкидлайди газета.

Мисрнинг етакчи газеталаридан яна бири — **«Рўз ал-Юсуф»**да Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг «Туркистон-пресс» ахборот агентлиги мухбирига берган интервьюсига бағишланган «Тошкент — Ислом маданияти пойтахти» сарлавҳали мақола чоп этилди. Унда Ўзбекистон раҳбарининг Тошкентга ислом маданияти пойтахти, деган юксак унвоннинг берилиши ислом цивилизацияси ва маданиятини ривожлантиришга ўзбек халқи қўшган улкан ҳиссанинг эътирофи бўлганлиги ҳақидаги фикр-мулоҳазаларига урғу берилган.

Мақолада Ўзбекистон ҳукумати маънавий-тарихий қадриятларни қайта тиклаш ва ислом маданияти ёдгорликларини кўз қорачиғидай асраб-авайлашга катта эътибор қаратаётгани алоҳида таъкидланади.

«Жаҳон» АА

ЯНА ИККИТА АЭС ҚУРМОҚЧИ

Эрон маъмурияти ядро дастури доирасида яна иккита атом электр станцияси қуришни режалаётгани ҳақида Эрон ядро энергетикаси ташкилоти раҳбарининг ўринбосари Аҳмад Фаёзбахш маълум қилди.



«Associated Press» ахборот агентлиги хабарига кўра, бу икки АЭСнинг ҳар бири кунига 1,6 минг мегаватт электр энергияси ишлаб чиқариш қувватига эга бўлади. Ҳар бир АЭС қурилиши учун 1,7 миллиард долларлик маблағ сарфланиши кўзда тутилган. Қурилиш ишлари 2018 йилда якунланади.

Ҳозир бу икки АЭС қурилиши учун халқаро тендер эълон қилинган. Голиблар шу йил августда жамоатчиликка ошкор этилади.

Ахборот агентлиги хабарида ёзилишича, бу режа ҳақиқатга нечоғли тўғри келиш ёки келмаслиги, режани амалга ошириш учун Эроннинг пули етиш-етмаслиги ҳозирча номаълум. Бироқ Бушердаги АЭС қурилишини олиб бораётган ва унга ядровий ёнилғи етказиб бераётган Россиянинг «Атомстройэкспорт» компанияси билан Эрон ўртасидаги тортишувларни унутмаслик лозим.

Гап шундаки, Россиянинг атом энергияси бўйича федерал агентлиги («Росатом») февраль ойида маълум қилгандики, Эрон томонидан тўлов ўз пайтида амалга оширилмаётгани учун АЭСга ёнилғи етказиб бериш муддати кейинга сурилиши мумкин.

«Росатом» манбаларига кўра, шу йил январь ўрталарида Эрон Бушердаги АЭС қурилиши харажатлари учун молиялашни бир ой кечиктириб юборган.

ВАЪДА БАЖАРИЛМАДИ

Маълумки, шу йил 13 февраль куни Россия, АҚШ, Хитой, Япония, Корея Республикаси ва Корея Халқ Демократик Республикаси делегациялари иштирокида Пекинда бўлиб ўтган олти томонлама музокараларда КХДР Йонбендаги атом реакторини шу йил 14 апрелгача ёпишга, АҚШ эса Макаодаги «Banco Delta Asia» банкида «музлатиб» қўйилган КХДРга тегишли 25 миллион долларни қайтаришга ваъда берган эди. Бироқ Шимолий Корея Макаодаги пул тўлиқ ўтмаганини рўкач қилиб, ваъдасини бажармади. Бунга жавобан Америка давлат департаменти махсус баёнот билан чиқиш қилиб, расмий Пхеньянни МАГАТЭ экспертлари иштирокида Йонбендаги реакторни тезда ёпиб, муҳрлашга чақирди. Аммо Хитой расмийлари АҚШдан Шимолий Кореяга яна икки кунлик

муҳлат беришни сўради.

Шу муҳлат ичида Шимолий Корея АҚШ томонидан Макаодаги банкда «музлатилган» пул тўлиқ КХДРга ўтказилган ёки ўтказилмагани ҳақида маълум қилади.

АҚШ давлат департаменти вакили Шон Маккормакнинг айтишича, — дейилади «ВВС» ахборотида, — Шимолий Корея Йонбендаги реакторни ёпиб, муҳрлаган пайтдан эътиборан республикага иқтисодий кўмак бериш, аниқроғи, мазут ёнилғиси жўнатиш бошланади.

ПАРЛАМЕНТ ФАОЛИЯТИДА ИШТИРОК ЭТМАЙДИ

Ироқдаги шиаларнинг диний етакчиси Муктад ал-Садр раҳбарлигидаги сиёсий ҳаракат вакиллари Ироқдан Америка қўшинини олиб чиқиб кетиш тўғрисида жадвал тузилмагани учун парламент фаолиятида иштирок этмасликларини (парламентдаги ўринларнинг тўртдан бир қисми уларга тегишли) билдиришди. Шунингдек, «Reuters» ахборот агентлигининг маълум қилишича, ҳукумат фаолиятида ҳам иштирок этмасликларини айтиб (олтита вазирлик бошқаруви улар зиммасида), бу ҳақда бугун баёнот беришларини уқтиришди.

Ушбу сиёсий ҳаракат аввал ҳам парламентда бойкот эълон қилган эди ва бу норозилик икки ой давом этиб, шу йил январда ҳукумат билан келишувга эришилгачгина якунланган. Ўшанда ҳам Америка қўшинини Ироқдан олиб чиқиб кетиш талаб қилинган.

МУВАҚҚАТ МАЪМУРИЯТ ТУЗИЛАДИ

Грузия парламенти тан олинмаган Жанубий Осетия Республикасида муваққат маъмурият тузиш тўғрисидаги қонун лойиҳасини учинчи ўқишда маъқуллади, дея хабар беради «Новости-Грузия» ахборот агентлиги.

Ҳужжатда қайд этилишича, «Грузия юрисдикцияси тўлиқ тиклангунга қадар» бу ҳудудда давлат ҳокимияти ваколати «маҳаллий сиёсий кучлар ва маҳаллий жамоатчилик вакиллари» зиммасида бўлади. Улар Грузия президенти билан тузилган келишув битимига кўра, бошқарувни амалга оширадилар.

Маълумки, март ойи охирида Грузия президенти Жанубий Осетияда муваққат маъмурият тузиш таклифини ўртага ташлаган эди.

Жанубий Осетиянинг амалдаги маъмурияти бу таклифни фитнадан ўзга нарса эмас, дея баҳолади. Тан олинмаган мазкур республиканинг ташқи ишлар вазири ўринбосари Алан Плиевнинг айтишича, муваққат маъмурият грузин аҳолиси истиқомат қилувчи бир неча қишлоқ вакилларининг қизиқишлари ва интилишларини намоён эта олади холос.

ЧИПТАЛАР СОТУВИ БОШЛАНДИ

2008 йили Хитойда бўлиб ўтадиган Олимпиада ўйинларига чипталар сотуви бошланди. Бу ҳақда Олимпиадани ташкиллаштириш бўйича Пекин қўмитасининг вице-президенти Ван Вэй маълум қилди.

Сотувга чиқарилган чипталарнинг сони 7,5 миллион донадан ортиқ бўлиб, унинг 75 фоизи ички бозорда, қолгани эса хорижлик томошабинлар учун сотилади.

Чиптага интернет орқали ҳам буюртма бериш мумкин (tickets.beijing2008.com) ёки махсус ташкил этилган марказ (+86-10-952008) орқали ҳам харид қилиш йўлга қўйилади.

Олимпиада ўйинларининг очилиш ва ёпилиш тантаналари учун мўлжалланган чипталар қиммат нархда бўлиб, баҳоси 5000 (650 доллар) ва 3000 юан (390 доллар)дир. Мусобақалар учун мўлжалланган чипталарнинг асосий қисми баҳоси эса 50 дан 150 юангача (20 долларгача) қилиб белгиланган.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари раҳбарлари диққатига!

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

қуйидаги иншоотга пудратчи ташкилотни танлаш бўйича ТАНЛОВ САВДОСИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

1. Деҳқонобод тумани, Қизилмозор қишлоғида қишлоқ врачлик пункти қурилиши.

Қурилиш муддати — 120 кун.
Бошланғич нархи (ҚҚС билан) — 143.328.330 сўм.

Буюртмачи — **Қашқадарё вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси.**
Манзил — Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳри, «Ўзбекистон овози» газетаси кўчаси, 3-уй.

Телефон: (8-375) 227-16-56, 227-19-82.

Қурилиш ишларини молиялаштириш — Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Танлов савдоларида қатнишиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга:

- етарли касбий ва техникавий малакага;
- иншоот қийматининг камида 20 фоиз миқдорида айланма маблағига (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки ушбу маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги;
- молиявий имкониятлар ва етарли ишчи кучи ресурсларига;
- шартнома (контракт) тузишга лаёқатли;
- юридик ҳуқуққа эга, шунингдек, ўхшаш иншоотларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги ва ишончли бўлиши шарт.

Савдода иштирок этиш ва танлов ҳужжатларини сотиб олиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси: Қарши шаҳри, Хонобод шоссеси, 5-уйда жойлашган Қашқадарё вилоят капитал қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига мурожаат қилиш мумкин.

Тел/факс: (8-375) 223-10-63.

Оферталар савдо ташкилотчиси томонидан юқорида кўрсатилган манзилда қабул қилинади.

Бир тўплам тендер ҳужжатларининг нархи — 60 000 сўм.

Тендер ҳужжатларини эълон чоп этилгандан сўнг 25 кунгача сотиб олиш мумкин.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соати.

Тендер савдолари матбуотда эълон чоп этилгандан сўнг 30 кундан кейин **«Буюртмачи» — Қашқадарё вилоят ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси** биносида ўтказилади.

Манзил: Қарши шаҳри, «Ўзбекистон овози» газетаси кўчаси, 3-уй.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари раҳбарлари диққатига!

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

қуйидаги иншоотларни тўлиғича қуриб фойдаланишга топшириш шарти билан пудратчи ташкилотларни танлаш бўйича ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

№ Лот	Объект номи ва манзили	Қурилиш муддати
1	2	3
	ЛОТ-1-2:	
Лот-1	Самарқанд шаҳридаги С.Айний кўчасидан У.Юсупов кўчасигача янги қурилаётган Г-30 йўли қурилиши	2007 йил 1 августда фойдаланишга топшириш
Лот-2	Самарқанд шаҳридаги Рудакий кўчасидан Ибн Сино кўчасигача янги қурилаётган Г-30 йўли қурилиши	2007 йил 1 августда фойдаланишга топшириш

Қурилиш ишлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари йўл жамғармаси ва маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Савдо ташкилотчиси — Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси Самарқанд вилоятининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази.

Буюртмачи манзили:
Самарқанд шаҳри, Кўксарой майдони, 1-уй.
Телефон: (83662) 35-82-86.

Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: улар танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажрибасига, кўникмаларга ҳамда шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Самарқанд вилоятининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига, қуйидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин:

Самарқанд шаҳри, Кўксарой майдони, корпус-2Г, 208-хона, тел.: 33-32-00, факс: 31-13-51.

Танлов ҳужжатлари битта ЛОТ тўпламининг қиймати — 60 000 сўм.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати оферталар очилиш куни ва соатигача.

Таклифлар (оферталар) очилиши матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб камида 30 кундан кейин қуйидаги манзилда — **Самарқанд шаҳри, Кўксарой майдонида соат 16.00 да Самарқанд вилоят ҳокимлиги биносининг кичик мажлислар залида** ўтказилади.

ЖАЖЖИ ҚИЗАЛОҚЛАР ҚУВОНЧИ

Яқинда Самарқанд шаҳар халқ таълими бўлими ташаббуси билан 107-сонли мактабгача таълим муассасасида Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллигига бағишланган «Шарқнинг етти гўзали» кўрик-танлови ўтказилди.

Муассасада тарбияланаётган энг иқтидорли етти нафар жажжи қизалоқ ростмана Шарқнинг етти гўзалига айлангандек гўё. Улар томонидан ижро этилган қувноқ қўшиқлару шодон рақслар, зукколик маҳорат, билимдонликни кўрсатувчи кўринишлар барчага хушкайфият улашди.

— Мен бу ғоя ҳақида анчадан буён бош қотириб юргандим, — дейди муассаса раҳбари Манзура Камолова. — Бугун етти нафар қизалоғимиз биз ўйлагандан-да зиёд маҳоратларини намойиш этишди. Жонажон шаҳримизнинг юбилейига бағишлаб ўтказилаётган ушбу тадбиримизда қизларимиз етти номинация бўйича беллашишди. Шаҳримиз тарихи ҳақидаги ҳикоялар, қўшиқ ва рақслар ижроси, спорт машқлари барчада ҳаяжон уйғотди, десам муболаға бўлмайди.

Қизиқарли ўтган тадбир сўнггида ғолибларга ҳомийларнинг эсдалик совғалари топширилди.

Шуҳрат ҚАРШИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари раҳбарлари диққатига!

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТ 2-СОНЛИ ШИФОХОНАСИ ҚУЙИДАГИ ИНШООТГА ПУДРАТЧИ ТАШКИЛОТЛАРНИ ТАНЛАШ БЎЙИЧА ТАНЛОВ САВДОСИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

- **Қарши шаҳридаги 2-сонли вилоят шифохонасини капитал таъмирлаш**
  (дам олиш биноси, овқатланиш блоки, тўрпардалар (жалюзлар), ободонлаштириш ишлари).

Қурилиш муддати — 150 кун. Бошланғич нархи (ҚҚС билан) — 396 922 319 сўм.
Буюртмачи — Қашқадарё вилоят 2-сонли шифохонаси.

Манзил — Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳри, Н.Мирзаев кўчаси, 12-уй.
Телефон: 226-11-09, 226-42-18.

Қурилиш ишларини молиялаштириш — Маҳаллий бюджет ва ҳомий ташкилотлар маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга:

- *етарли касбий ва техникавий малакага;*
- *иншоот қийматининг камида 20 фоиз миқдорида айланма маблағига (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки ушбу маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги;*
- *молиявий имкониятлар ва етарли ишчи кучи ресурсларига;*
- *шартнома (контракт) тузишга лаёқатли;*
- *юридик ҳуқуққа эга, шунингдек, ўхшаш иншоотларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги ва ишончли бўлиши шарт.*

Савдода иштирок этиш ва танлов ҳужжатларини сотиб олиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси: Қарши шаҳри, Ўзбекистон кўчаси, 52-уйда жойлашган Қашқадарё вилояти капитал қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига мурожаат қилиш мумкин.

Тел/факс: (8-375) 223-10-63.

Оферталар савдо ташкилотчиси томонидан юқорида кўрсатилган манзилда қабул қилинади:

Бир тўплам тендер ҳужжатларининг нархи — 60 000 сўм.

Тендер ҳужжатларини эълон чоп этилгандан сўнг 25 кунгача сотиб олиш мумкин.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соати.

Тендер савдолари матбуотда эълон чоп этилгандан сўнг 30 кундан кейин «Ташкилотчи» — Қашқадарё вилояти капитал қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази биносида ўтказилади.

Манзил: Қарши шаҳри, «Хонобод шоссеси» кўчаси, 3-уй.

❖ Ўзбекистон ифтихорлари

РУСЛАН ЧАГАЕВ — ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ!

Профессионал бокснинг WBA йўналиши бўйича ўта оғир вазн тоифасида ҳамюртимиз Руслан Чагаев жаҳон чемпиони россиялик Николай Валуевни мағлубиятга учратиб, олтин камарга сазовор бўлди. Штутгарт (Германия)да жаҳон чемпионлиги учун кечган ушбу жангда «Рус гиганти» номи билан машҳур Николай Валуевга на оғир вазни ва на узун бўйи ёрдам бера олди.

14 апрель оқшоми нафақат ўзбек, балки бутун жаҳон профессионал бокси тарихида ўчмас из қолдирса ажаб эмас. Айнан шу куни Штутгарт шаҳрининг «Porsche Arena» спорт саройида Бутунжаҳон бокс ассоциацияси (WBA)нинг ўта оғир вазн тоифасида ўзбекистонлик Руслан Чагаев билан россиялик Николай Валуевлар ўртасида жаҳон чемпионлиги учун 12 раундли жанг бўлиб ўтди. Мазкур учрашувни бутун дунё бокс ихлосмандлари сабрсизлик билан кутишаётганди. Бунга эса аввало иккала боксчи ўртасида жисмоний жиҳатдан катта тафовут борлиги сабаб эди. Қолаверса, анчадан бери мунозарага сабаб бўлиб келаётган Халқаро бокс федерацияси (IBF) ҳамда WBAнинг бирлаштирувчи жаҳон чемпионлигига иккинчи даъвогар, аниқроғи, Владимир Кличконинг бўлғуси рақиби номи аниқланиши кўзда тутилаётганди.

Учрашув олдидан боксчилар одатдагидек тарозидан ўтишди. Унга кўра, Николай Валуев 144,69 кг. тош босган бўлса, Руслан Чагаевда бу кўрсаткич атиги 103,42 кг.ни ташкил этди. Бўй борасидаги тафовут ҳам шунга яраша: Валуев — 213 см., Чагаев — 185 см. Бу кўрсаткичлар эса кўпчиликнинг россиялик боксчи имкониятини юқори баҳолашига сабаб эди. Шунингдек, Николай Валуевнинг ушбу жанггача 46 та учрашув ўтказиб, барчасида (36 тасида нокаут билан) ғалаба қозонгани ҳам бунга таъсир қилган бўлиши табиий. Руслан Чагаев эса бунгача 23 маротаба профессионал рингга кўтарилиб, 22 (17 тасида нокаут билан) тасида ғалаба қозонган ва битта дурангга эришганди.

Жаҳоннинг етакчи мутахассисларидан бири, таниқли промоутер америкалик Дон Кинг ҳам россиялик боксчининг ғалабасига ишонаётганлигини ошкор қилиб, «Бу оламшумул жанг бўлади. Унда Николайнинг қўли баланд келади. Ахир у оламнинг саккизинчи мўъжизаси-ку! Валуев улкан юракли паҳлавон», деганди.

IBF йўналиши бўйича жаҳон чемпиони Владимир Кличко:

— Чагаевнинг бу жангда ғалаба қозониши учун имконияти жуда кам, — деганди мусобақа олдидан. — Менимча, буни изоҳлаш ортиқча, деб ўйлайман.

Бу каби фикрларни эшитган ҳамюртимиз Руслан Чагаев жанг олдидан ўтган матбуот анжуманида қуйидагича жавоб қилганди:

— Валуев мендан йирик ва бақувват, албатта. Аммо рингда мен унга нисбатан тезкор ҳаракат қилиб, кучли зарба беришга қодирман. Мақсадим — фақат жаҳон чемпиони бўлиш. Ҳозир менда айнан шундай имконият туғилган. Ундан унумли фойдаланиш учун бор куч ва имкониятимни ишга соламан.

Ёдингизда бўлса, Николай Валуев 2005 йилда келиб чиқиши асли пуэрто-риколик Жон Руис (АҚШ)ни очколар ҳисобида енгиб, жаҳон чемпиони унвонига сазовор бўлган. Ўтган вақт мобайнида Оуэн Бек, Монте Баррет ҳамда Жамил Маклайнларни мағлубиятга учратиб, олтин камарни ўзида сақлаб қолганди. Профессионал рингда қаторасига кетма-кет 49 жангда зафар қучган афсонавий боксчи Рокки Марчианонинг ўзига хос рекордини янгилашга шайланганлигини кейинги пайтда бот-бот тилга олаётган Николай Валуев Руслан Чагаев қаршисида ожиз қолди.

Валуев — Чагаев жанги ойнаи жаҳон орқали олиб кўрсатилганлиги боис, учрашув тафсилотларига қайта тўхталишни лозим топмадик. Аммо ер курасининг энг сара боксчилари баҳсини кузатиб, мамлакатимизнинг етакчи мураббийларидан бирининг сўзлари ёдимга тушди.

— Куч, маҳорат ва иштиёқ бирлашса, албатта ғалаба қозонилади...

Буни айнан иқтидорли спортчимиз, ҳаваскор боксчилар ўртасида икки карра жаҳон чемпиони Руслан Чагаев яна бир карра исботлади. Ушбу жанггача ҳамюртимиз, гарчи, профессионал рингда 23 та жанг ўтказган бўлса-да, ҳаваскорлар боксида 85 та учрашувда рингга кўтарилганлиги ўз самарасини берди. WBA йўналиши бўйича енгилмас, деб ном олган Николай Валуевга қарши кечган ўн икки раундли жангда Руслан Чагаев чин маънода маҳорат кўрсатди. Ниҳоятда муросасиз кечган учрашувда ҳамюртимиз ҳақли равишда очколар ҳисобида зафар қучди — 114:114; 115:113; 117:111.

— Бу кун ҳаётимда ёркин ва бир умр унутилмас из қолдиради, — деди учрашув тугагач, янги жаҳон чемпиони Руслан Чагаев. — Рақибимнинг менга нисбатан баҳайбат ва ўта оғир вазнлилигининг энди аҳамияти йўқ. Фаолиятимдаги энг муҳим ва чиройли жангларимдан бирини ўтказиб, унда ғалаба қозонганимдан беҳад бахтиёрман. Энг асосийси, Президентимизга, халқимизга берган сўзимнинг устидан чиққанлигим қувончимга янада қувонч қўшади. Ўзбекистонимизни жону дилдан севаман!

Эсингизда бўлса, 2000 йили ҳаваскор боксчилар ўртасида икки карра жаҳон чемпиони Руслан Чагаев мамлакатимиз Президентига профессионал бокс бўйича ҳам вақти келиб, албатта жаҳон чемпионлигини қўлга киритишга ва она Ватани — Ўзбекистон номини янада улуғлашга сўз берган эди. У ўз лафзида турди.

— Учрашув бундай натижа билан якун топишини қутмагандим, — деди Николай Валуев жангдан сўнг ўтган матбуот анжуманида. — Муваффақият қозонишим учун очиғи кучим етмади. Натижада рақибимнинг кўплаб зарбаларини ўтказиб юбордим. Бу эса якунда менга қимматга тушди. Русланнинг тезкор ва чапдастлигига тан бермай илож йўқ. Мен унга олтин камарни ўзида узоқ вақт сақлаб қолишини тилайман.

— Бу жуда ажойиб жанг бўлди, — деди америкалик промоутер Дон Кинг. — Руслан Чагаев ўз техникаси ва маҳорати билан менда катта таассурот қолдирди. Николай Валуевга эса энди ҳаммасини бошидан бошлашга тўғри келади. У енгил ғалабаларга ўрганиб қолганди. Руслан Чагаев «Рус гиганти» учун ўзига хос «огоҳ қўнғироғи» бўлди. Ўйлайманки, Руслан чемпионлик унвонини ҳали узоқ вақт муносиб ҳимоя қилади.

Ҳа, юртимизнинг асл ўғлони Руслан Чагаев профессионал бокснинг энг нуфузли — Бутунжаҳон бокс ассоциацияси (WBA) йўналиши бўйича жаҳон чемпионлиги камарини қўлга киритиб, мустақил Ўзбекистонимиз номини оламга яна бир карра машҳур қилди. Жаҳон спорти саҳнида улкан шоншуҳрат қозонган боксчимизнинг қутлуғ қадамлари халқимизнинг ҳеч қачон ҳеч кимдан кам бўлмагани ва кам бўлмаслигининг яна бир амалий исботидир.

Эркин ХОЛБОБО,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Владимир КЛИЧКО,
профессионал бокснинг IBF йўналиши бўйича ўта оғир вазн тоифасида жаҳон чемпиони:

— Очиғи, ушбу учрашувда Руслан Чагаевнинг ғалабасини кутмаган эдим. Аммо ўн икки раундли жанг давомида жаҳон чемпиони Николай Валуевга етарлича муаммолар туғдирган бу «чарм қўлқоп» устасига қойил қолдим.

Русландаги шижоат, ўзига хос характер ва техника мени ўзига маҳлиё қилиб қўйди. Ундаги катта тажриба ва маҳорат жаҳон чемпионлиги унвонини ҳали узоқ вақт ўзида сақлаш имконини беришига ишонаман.

Борис ДИМИТРОВ,
Николай Валуевнинг менежери:

— Айни пайтда Руслан Чагаев рақибидан кучли эканлигини намойиш эта олди.

Ҳаваскорлар ўртасида икки карра жаҳон чемпионлигини қўлга киритган Руслан Чагаевнинг профессионал рингда ҳам тенгсиз деб топилганлигини табиий қабул қилган бўлардим. Колянинг мағлубиятидан ўз навбатида фожиа ясаш керак эмас. Вақти келиб, балки у яна Руслани реванш учрашувига таклиф қилар...

Муҳаммадқодир АБДУЛЛАЕВ,
ҳаваскор боксчилар ўртасида Олимпия чемпиони, профессионал боксчи:

— Ҳамюртимиз Руслан Чагаевнинг ғалабасига шубҳа қилмаган эдим. У айни пайтда ўта оғир вазн тоифасидаги боксчилар ўртасида энг тезкор ва чапдастларидан саналади. Қолаверса, Руслан ўта кучли ҳимояга эга. Оғир ва узун бўлган Николай Валуевга қарши жангда боксчимизга ана шу жиҳатлар қўл келди, деб ўйлайман.

Ишонаманки, Руслан Чагаев жаҳон чемпионлиги унвонини кўп йиллар муносиб ҳимоя қилади.

БАРЧАГА ҚУВОНЧ ВА ҒУРУР БАХШ ЭТГАН ҒАЛАБА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Пойтахтимиздаги Абдулла Қодирий номидаги истироҳат боғи якшанба куни ҳар қачонгидан гавжум бўлди. Бу ерга карнай-сурнай садолари янграб, талаба ёшлар, ўқитувчи ва мураббийлар, спортчилар, спорт ишқибозлари, адиблар, санъаткорлар, яқин-атрофдаги маҳаллалар аҳли йиғилди. Ҳамманинг юзида қувонч, фахр-ифтихор, тилида — «Руслан», «Ғалаба!» Кимдир шеър ўқийди, яна кимдир рақсга тушади. Мушоира дилкаш наволарга, қўшиқлар эса жозибали рақсларга уланиб кетади.

Сўзга чиққанлар Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан мамлакатимизда ёш авлодни соғлом ва баркамол инсонлар этиб вояга етказиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланганини таъкидладилар. Юртимизда жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантиришга алоҳида эътибор берилаётир. Шу боис мактабгача таълим муассасалариданоқ болаларда спортга меҳр уйғотиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, ёш авлоднинг спорт билан шуғулланиши учун барча шароитларни яратиш борасида улкан ишлар амалга оширилаётир.

Юртимизда бунёд этилган ва этилаётган спорт мажмуалари, ихтисослаштирилган спорт мактаблари, тўгараклар фарзандларимизни жисмонан ва руҳан комил шахс бўлиб вояга етишида муҳим аҳамият касб этаётир.

— Ҳар бир халқни, миллатни дунёга танитадиган фазилатлари бўлади, — дейди Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов. — Шукурки, халқимизда бундай фазилатлар бисёр. Куни кеча Термиз шаҳрида улуғ бобомиз Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишлаб Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун ўтказилган халқаро кураш турнирида юртдошимиз Абдулла Тангриев ер юзининг энг донгдор полвонларининг курагини ерга теккизиб, мутлақ ғалабага эришди. Бугун эса Руслан Чагаев Германияда дунё бокс ихлосмандларини лолу ҳайрон қолдириб, ўта оғир вазн тоифасида жаҳон чемпиони бўлди. Русланнинг ғалабасидан барчамизнинг дилларимиз фахрга тўлди, мен унга бағишлаб шеър битдим. Ўзбекистоннинг жаҳонга танилишида бундай юртсевар спортчиларимизнинг хизмати улкан. Бу Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда спортни ривожлантириш йўлида амалга оширилаётган кенг кўламли ишларнинг амалий самарасидир.

Р.Чагаевнинг ғалабасига бағишланган ушбу кечада мушоира, дилкаш наволару қўшиқлар ва жозибали рақслар кеч оқшомгача давом этди.

— Мен Русланнинг жангини мириқиб томоша қилдим, — дейди Носирхўжа ота Собиров. — Умридан барака топсин, кутганимиздек бўлиб чиқди — Руслан ғалаба қилди. У профессионал боксга ўтиши олдидан Юртбошимиздан, халқимиздан оқ фотиҳа олгани эсимизда. Дуо олган кам бўлмайди. Буни Руслан яна бир бор исботлади. Халқига, юртига бугунгидай фахр, ифтихор, қувончу тантаналар улашган ўғлонимизни доим Яратганнинг ўзи қўлласин, мамлакатимиз тинч, шундай хайрли ишларнинг бошида турган Юртбошимиз омон бўлсинлар.

«Ёшлик» талабалар шаҳарчасида эса шанбадан якшанбага ўтар кечаси деярли ҳеч ким ухламади. 15 апрель куни эрта тонгдан эса шаҳарча байрам тусини олди. Ҳамма бир-бирини табриклаган, қутлаган.

Кўпчилик «Спорт шаҳарчаси» ҳам деб атайдиган ушбу гўшада энг замонавий стадионлар, теннис кортлари, сузиш ҳавзалари, спорт майдончалари талаба ёшлар ихтиёрида. Буларнинг бари спорт орқали барча ззгу фазилатларни ўзига мужассам этган соғлом ва комил шахсни тарбиялаш билан бирга Ватанимиз шаънини халқаро майдонларда муносиб ҳимоя қилишга қодир спортчиларни тайёрлашга ҳам катта замин ҳозирламоқда. Р.Чагаевнинг эришган ғалабаси бунинг яна бир ёрқин намунасидир.

— Руслан Чагаевнинг россиялик машҳур боксчи билан жангини барча талабалар ҳаяжон билан томоша қилди, — дейди Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети фалсафа факультети магистри Актам Ҳолов. — Русланнинг ғалабаси ёшларимизда халқимиз, Ўзбекистонимиз ва Президентимиз билан фахрланиш туйғуларини янада жўш урдириб юборди.

— Бугун дунё Ўзбекистон фарзандларининг нималарга қодирлигига яна бир бор гувоҳ бўлди, — дейди Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университети талабаси Жаҳонгир Муҳаммадиев. — Русланнинг ғалабаси — биз учун энг улуғ ва энг азиз неъмат — Мустақиллик берган имкониятлардан биридир. Бу яқинда талаба ёшларнинг пойтахтимизда ўтажак Универсиада спорт мусобақаси қатнашчиларига янада кўтаринкилик бағишлаб, биз, ёшларни янада фаол ва фидойи бўлишга, ззгу мақсадлар йўлида тинимсиз изланишга ундайди.

«Ёшлик» талабалар шаҳарчасида Р.Чагаевнинг ғалабасига бағишланган тадбирга турли спорт мусобақалари, интеллектуал беллашувлар, викториналар, санъат усталари иштирокидаги концерт дастурлари янада файз бағишлади.

Бундай тадбирлар мамлакатимизнинг барча шаҳар-қишлоқларида давом этмоқда.

Назокат УСМОНОВА,
Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,
ЎзА мухбирлари

Суратларда: тадбирдан лавҳалар.

Аъло АБДУЛЛАЕВ (ЎзА) олган суратлар

БЕШ ҚИТЪАНИ БИРЛАШТИРГАН КУРАШ



Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган сурат

(Давоми. Боши 1-бетда)

Вазни 90 килограммли полвонлар финал беллашуви ўзбек ва корейс курашчиси орасида кечди. Шерали Жўраев Юн Кук Лега ҳеч қандай имконият қолдирмади.

Оғирлиги 100 килограммли полвонлар баҳси ҳамиша қизиқарли ўтади. Финал беллашувида қашқадарёлик Фазлиддин Мейлиев хоразмлик Расул Рўзметовдан устун келди.

Мусобақанинг иккинчи куни «Алпомиш» ўйингоҳи мухлислар билан ниҳоятда гавжум бўлди. Курашни вазни 60,66,73 килограммли полвонлар бошлаб беришди. Оғирлиги 60 килограммли курашчилар баҳсининг финалида ўзбек ўғлони Ўткир Эгамов билан эронлик ёш курашчи Мустафо Долириан баҳслашди. Унда Мустафо ғолибликни қўлга киритди.

66 килограммли курашчилар баҳси финалида Олим Равшанов Жонибек Муқимовдан маҳорат бобида анча устун эканлигини кўрсатди.

Вазни 73 килограммли курашчилар баҳсида сурхондарёлик Суҳроб Дўстов халқаро турнирнинг иккинчи марта ғолибига айланди.

Шундан кейин ҳамманинг диққат-эътибори катта полвонлар беллашувида бўлди. Мутлақ ғолиблик баҳсида иштирок этиш учун 40 нафар курашчи қатнашди. Баҳсларни Илҳом Шералиев ва Тўлқин Салимов бошлаб бердилар.

Ярим финал баҳсида Абдулла Тангриев бразилиялик Валтер Дос Сантос билан бел олишишига тўғри келди. Айримлар Валтер Дос Сантос Абдулла полвонни ҳам енгади, деб ҳадиксираб турди. Аммо дунё полвонлари билан курашиб юрган Абдулла Тангриевни Валтернинг баҳайбат гавдаси чўчита олмади. У бразилиялик полвонни йиқитиб, мухлисларни шодлантирди. Финал баҳсида ўзбекистонлик полвон Абдулла Тангриевга бразилиялик эски рақиб Александр Гудес рўбарў келди. Абдулла Тангриев ушбу турнирда тўртинчи бор мутлақ ғолиблик шоҳсупасига кўтарилди.

Ҳа, Термиз шаҳрида икки кун давом этган мусобақада дунё алплари беллашдилар. Турнирнинг мутлақ ғолиби Абдулла Тангриевга Президент соврини — 10 минг АҚШ доллари, кейинги ўрин соҳиби бразилиялик Александр Гудесга 2 минг АҚШ доллари, бразилиялик Валтер Дос Сантос ва Шуҳрат Муродовларга минг АҚШ доллари миқдорида мукофот пуллари топширилди.

Абдурасул ЖУМАҚУЛ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Суратда: *мусобақадан лавҳа.*

Тошкент вилояти хўжалик судининг 2007 йил 26 мартдаги 11-0706/944-сонли иш Ҳал қилув қарорига асосан

Янгийўл шаҳар, Самарқанд кўчаси, 57-уйда жойлашган «Болалар таомлари холдинг» холдинг компанияси очиқ акциядорлик жамияти банкрот деб эътироф этилиб, тугатишга доир иш юритиш бўйича даъволар эълон чиққан кундан бошлаб **икки ой муддат давомида қабул қилинади.**

«Болалар таомлари холдинг» холдинг компанияси ОАЖ кредиторларининг йиғилиши 2007 йил 20 апрель соат 10.00 да жамият биносида бўлиб ўтади. Ушбу йиғилишга таклиф этиласиз.

Манзил: **Янгийўл шаҳар, Самарқанд кўчаси, 57-уй.**
Маълумот учун телефонлар: 332-02-74, 444-11-80, (8370) 602-94-08.

Ўзбекистон ХДП Мирзо Улуғбек туман кенгашига тегишли Ш.Бурхонов кўчаси, 56-уй манзилида жойлашган маъмурий бинонинг реестр рақами 9-195/06 Ер кадастр рақами №=2953577512 ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**.

Ўзбекистон ХДП Пскент туман кенгаши туман партия кенгаши «Истиқбол» ёшлар қаноти раиси Мунира Шокиржоновага падари бузруквори **ЗОКИРЖОН** отанинг вафот этгани муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент шаҳар Миробод тумани ҳокимлиги туман Коммунал таъмирлаш, тиклаш авария хизмати директори **Тошмурод ИСМОИЛОВ**нинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оиласига чуқур таъзия изҳор этади.

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G'ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Turobjon JO'RAYEV
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug'bek MUSTAFOYEV
Farruh HAMROYEV
Muslihiddin MUHIDDINOV
Nomoz SA'DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Partiya hayoti 133-10-13
Ma'naviyat va ma'rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Huquq 136-76-21
Ekologiya va salomatlik 133-44-55
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Mas'ul kotib 133-72-83
Reklama va e'lonlar 133-38-55, 133-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Guliston da — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi: Ma'murjon PARPIYEV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchilar: Ikromjon ISMOILOV, Sobirjon TUNG'ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 349
11574 nusxada bosildi
1 — Тижорат материали
O'zA yakuni — 21.40
Topshirilgan vaqti — 00.10
1 2 3 4 5
Sotuvda erkin narxda